Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 23-fevral, shanba № 23 (3216)

Давра суҳбати

«Нодир Самарқанд» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Унда Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят савдо-саноат палатаси, вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Фуқаролик ишлари бўйича суди, Омбудсманнинг вилоят вакиллиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, солиқ, банк бошқармалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирокида ижтимоий шериклик тамойиллари асосида меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ботир Тошев олиб борди.

Меҳнат соҳасидаги муҳим масалаларни ҳал этишда касаба уюшмалари ҳамда вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармалари ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган уч томонлама шартнома ижроси таъминланаяпти. Ҳуқуқий мақомга эга корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ходимларнинг 96,8 фоизи шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган. Айни пайтда амалда бўлган 47 та тармоқ келишуви, 10133 та жамоа шартномаси орқали 403203 нафардан ортиқ меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя этилмоқда.

Ижтимоий муҳофазанинг биринчи шарти, бу фуқароларнинг фойдали юмуш билан бандлигидир. Ўтган фурсат ичида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳокимликлар ҳамда бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда 145 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Меҳнат бозорида 9902 та корхона ва ташкилот қарийб 60 минг бўш иш ўрни билан иштирок этди. 40209 нафар фуқаро ўзлари танлаган касб-корга эга бўлишди.

Янги иш ўринлари яратиш ҳисобига муаммони ҳал этишнинг тизимли дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу жараёнга касаба уюшмалари ҳам муносиб улуш қўшиб келаяпти. Ўтган йили касаба уюшмалари томонидан 15 та иш ўрни яратилган эди, амалдаги йилда касаба уюшма иншоотларидан самарали фойдаланиш, ҳомийларни жалб этиш ҳисобига 23 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири, бу меҳнат хавфсизлиги масаласидир. Гарчи жамоа шартномаларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қатор бандлар киритилган, режалаштирилган 15295 та тадбир ижроси учун 7,8 млрд. сўм ўрнига 8,1 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлса-да, мониторинг ва ўрганишлар ўтказилган 1027 та ташкилотда 2165 маротаба қоида ва меъёрлар бузилиш ҳолати аниқланди. Иш берувчиларга 1127 банддан иборат 149 та тақдимнома киритилиб, 1942 та ҳолатда мутахассислар аралашуви ва амалий ёрдами билан муаммоларга ижобий нуқта қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўқув

ЖАМОАТЧИ ФАОЛЛАР — ТИНГЛОВЧИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида жамоатчилик асосида ишлайдиган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг малакасини ошириш бўйича ҳафталик ўқув-машғулотлари ўтказилди. Унда 25 нафар касабақўм тажрибали мутахассисларнинг маърузаларини тинглашди.

2013 йил — тизимда Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари йили деб эълон қилиниши боис ўқувнинг асосий мазмун-моҳияти шунга йўналтирилди. «Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш, ишни режалаштириш», «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда қўшимча кафолатлари», «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, маблағларни сарфлашда молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби» мавзуидаги маърузалар шулар жумласидандир.

Меҳнат шартномасини тузиш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта бюджети, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари каби масалаларда касаба уюшмасининг ўрни ва вазифалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди. Бундан ташқари, «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда касаба уюшмаларининг роли», «Меҳнат жамоаларида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари» каби мавзулар ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Р.Самарбековнинг амалий машғулоти савол-жавобларга бой бўлди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаевнинг «Жамоа шартномаси лойиҳасини экспертизадан ўтказиш»га йўналтирилган машғулотидан иштирокчилар ўзларига керакли маълумотларни олдилар.

Дарвоқе, ўқув давомида тингловчиларнинг Даволаш-профилактика марказида тиббий кўрикдан ўтказилиши таъминланди. Иштирокчиларнинг «Тошкент фотосуратлар уйи»га ташрифи эса ўзига хос маданий ҳордиқ вазифасини ўтади.

Ўқув сўнгида касабақўмларга Ўқув марказининг Гувоҳномалари топширилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Ҳамкорлик қирралари

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР КЕРАК

Архитектура-қурилиш соҳасида илғор хорижий стандартлар даражасида олий маълумотли, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда олий таълим соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида Тошкент архитектура ва қурилиш институтида Қурилиш объектларини сақлаш ва архитектура ёдгорликларини ҳимоя қилиш, магистрлик мутахассислиги бўйича ўзбек-немис курси очилди.

Ушбу курс Тошкент архитектура ва қурилиш институти ҳамда Подстам ихтисослашган институти ўртасида имзоланган ҳужжат асосида ташкил этилди. Шунингдек, бу хайрли ишда Ваймар шаҳридаги «Bauhaus» университети, Дрезден шаҳридаги Техника университети ва Бамберг шаҳридан Отто-Фридрих университети олимлари иштирок этди. Ўзбекистон томонидан эса ТАҚИ ҳамда Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти вакиллари қатнашди.

Ўқув масканига қабул қилинган магистрантлар Германия олий ўқув юртларида қабул қилинган ўқув режаси ҳамда Республика кадрларни тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўқитилади. Магистрантлар икки йил таҳсил олишади. Ўқишнинг бир семестри Германиядаги ҳамкор олий ўқув юртларида олиб борилади.

Ўқув жараёни «Фольксваген» фонди (Германия) томонидан ажратилаётган маблағ ҳисобига амалга оширилмоқда. Ўқиш учун керакли моддий-техник базани яратиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Яхшилик — умр нақши

МЕҲР ҚОЛУР...

«Инсон мукаммал фикрлаши билан бошқа жонзотлардан фарқ қилади» деган фикрни кўп эшитганмиз. Аммо инсонни инсон этгувчи жиҳат фақатгина ақл эмас. Яратганга минг шукрлар бўлсинки, инсоннинг кўксида юрак мавжуд, бошқача айтганда — қалб. Қалб эса бизнинг инсонийлигимизни белгиловчи ягона омилдир.

Бу маскан тасаввуримни бутунлай ўзгартириб юборди. Тўғриси, илгарилари руҳий хаста кишилар билан мулоқот қилиш, уларнинг кўнглига йўл топиш хусусида ўйлаб кўрмаган эканман. Таҳririятга йил бошида қилажак ишларим хусусида режа тақдим этаётганимда ҳам, йўлга отланганимда ҳам «тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашиб, ишдаги шароитлар ҳақида ёзаман, холос», деган ўйда эдим. Аммо... бу ернинг шароити, руҳий ҳолат, ўзгача муҳит кишидаги ҳар қандай «шунчаки»ларни йўққа чиқариб қўяр экан.

— «Дунё ташвишларидан безиб кетсанг, кўнглинг бу олам қувончу ғамларининг ўткинчилигидан ҳаловат топишини истасанг, мозорга бор», дейишади. Мен шу доно фикрга қўшимча қилиб айтган бўлардимки, ҳар кунингиз бир бахтлигини, саломатлигингиз минг-минг шукрларга арзишини ҳис этмоқчи бўлсангиз, ногиронлар уйига келинг. Нималарга қодирлигингизни ҳис этасиз, иложсизлик, тушкунлик бир зумда тарқайди. Ҳар оннинг, соғлиғу фикрлаш қувватининг қадрига етишни ўрганасиз.

— Поп туманидаги «Мурувват» ногиронлар учун эркаклар интернат уйининг тиббий ишлар бўйича директор ўринбосари Моҳинисо Маъруповонинг бу сўзларида ҳеч бир муболаға йўқ.

— Касаба уюшмасининг хайрли ишлари сабаб бўлиб, «Мурувват» уйига келарканман, бу ерда ишловчиларнинг сабру бардоши, матонатига жавобан яна ва яна яхшиликлар қилгим келаверади, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Поп туман кенгаши раиси Неъматжон Собитов.

* * *

Сўз юритаётганимиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Поп туманидаги М.Соҳибова номидаги «Мурувват» уйи 300 ўринга эга бўлиб, 18 ёшдан юқори эркакларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатади. Бу ерга узлуксиз давом этувчи руҳий асаб хасталиги оқибатида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 1-, 2-гуруҳ ногиронлари қабул қилинади. Муассасада айни пайтда шизофрения, олигофрения, эпилепсия, болалар церебрал фалажи каби хасталикларга чалинган ногиронлар истиқомат қилмоқда.

— Ногиронларга 117 нафар ходим хизмат кўрсатмоқда. Улардан 5 нафари врач, 24 нафари ўрта тиббиёт ходими, 52 нафари кичик тиббиёт ходими ҳисобланади, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Хосиятхон Ҳайитова. — Тиббиёт ходимларининг касб малакасини оширишлари, тоифага эга бўлишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йилда 15 нафар ўрта тиббиёт ходими қайта касб малакасини оширди. Улардан 12 нафари олий, 3 нафари биринчи ҳамда 2 нафари иккинчи тоифага эга бўлишди.

«Мурувват» уйида 63 нафар хотин-қиз турли лавозимларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг меҳнат шароитлари ва тегишли имтиёзлардан фойдаланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ходимлар учун шу ернинг ўзида арзон тушлик ташкил этилган. Касаба уюшма ташаббуси билан фахрийлар байрамларда муассасага таклиф этилиб, кўнгли олинади.

Ногиронларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун кечаю кундуз ишлаб турувчи 5 та бўлим мавжуд. Бундан ташқари, стоматология, физиотерапия, тренажёр хоналари ташкил этилган.

Муассасада вилоят ва туман врачлари иштирокида 2012 йил 14-15 сентябр кунлари кузги чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди. Янги йил арафасида эса ҳомийлар томонидан 18 миллион сўмлик хўжалик жиҳозлари совға қилинди.

Бирор байрам йўқки, касаба уюшмасининг мурувватисиз ўтса. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий, вилоят ҳамда туман кенгашларининг ногиронларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, ходимларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги хайрли ишлари таҳсинга сазовор.

* * *

— Меҳнатинг сингган ҳосил одатдагидан ширин бўлади. Қолаверса, уни тайёрлашнинг ҳам, дастурхонга тортишнинг ҳам завқи бўлакча, — дейди 25 йилдан буён бош ошпазлик қилиб келаётган Баҳодир Муҳсинов.

Муассасада ёрдамчи хўжалик имкониятларидан унумли фойдаланиляпти. Ошкўкдан тортиб қизилча, редиска, карам каби резаворларгача етиштирилади. Шунингдек, 9 бош қорамол боқувда.

Бош ошпаз ёрдамчиси Зоиржон Хусанов 2006 йилда Поп маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаб, шу ерда иш бошлади. Бу ҳақда Баҳодир ака «Ёшларимиз қалбида ишлаш завқи билан бир қаторда инсоний хислатлар ildиз отганидан қувонмасликнинг иложи йўқ. Пул топишнинг осон йўлларини қидириб, хом хаёллар билан хорижга отланаётганларга Зоиржон кабиларни ўрнак қилиб кўрсатгим келади. У ҳам олтин, ҳам олқиш олишга эришмоқда», — дейди.

* * *

Дарвоқе, олқиш олаётганлар хусусида сўз юритсак. «Мурувват» уйи директори вазифасини бажарувчи Аҳаджон Холматов, врачлар Ғафуржон Жалолов, Илҳомжон Турдалиев, стоматолог Низомжон Сотимов, 20 йилдан бери бош ҳамширалик қилаётган Сайёра Алимова, электрик Саминжон Бекбобоев, сантехник Маҳкам Тошматов ҳақида ногиронларнинг яқинлари доимо илиқ фикрлар айтишади.

Миллатимизнинг бағрикенглиги, меҳрибонлигидан беихтиёр кўнглинг кўтарилади. Меҳрни устун қўйганимиз учун ҳам не-не замонларнинг талотўпидан омон ўтиб, ўзбек номини сақлаб келаётгандирмиз? Бугун бу юк бизнинг зиммамизда экан, кечагидан-да меҳрлироқ бўлишга ўзимизни масъул санайлик. Зеро, бу дунёда биздан сўнг фақат оқибат, меҳру муҳаббат қолади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

АНДИЖОН

Андижон вилоятида ипак қурти боқиш бўйича янгидан-янги режалар амалга оширилмоқда.

ПИЛЛА КЎПАЯДИ

Хусусан, Хитойдан тут кўчати навлари келтириш режалаштирилган бўлиб, Олтинкўл туманидаги «Андижонпахта» очиқ акциядорлик жамияти томонидан ипак қурти боқишга ихтисослашган намунавий мажмуа ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилмоқда.

Мажмуа ишга тушгач, бу ерда 100 қути ипак қурти уруғи парваришлаш имкони пайдо бўлади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ

Бахмаллик Холмурод Раҳматуллаев ўзи истиқомат қилаётган қишлоқда пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи кичик корхона очиб, 37 нафар ҳамқишлоғини муқим иш билан таъминлади.

«СИРЛИ САМАР»

Бугунга келиб «Сирли Самар» МЧЖ шаклидаги корхона тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган пишиқ ғиштга вилоятнинг бошқа туманларидаги қурилиш корхоналарида ҳам талаб ортиб бормоқда. Кунига 15 минг дона пишиқ ғишт шартлашилган манзилга жўнатилаяпти.

— Маҳсулотимиз таннархини арзонлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Х.Раҳматуллаев. — Бунда маҳаллий хом ашёдан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш тақозо қилинади. Ҳозиргача истеъмолчиларга ярим миллион дона пишган ғишт етказиб бердик.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

САМАРҚАНД

Иқтисод аниқ ҳисоб-китоб, пухта режага асосланади. Бозор муносабатлари шароитида вазиятга мослаша олмаган талай корхоналар молиявий таназзулга юз тутди. Уларнинг иқтисодини соғломлаштириш, фаолиятини тиклашда тижорат банкларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

ИҚТИСОДИЙ МАДАД

Хусусан, Самарқанд вилоятида паст рентабелли, иқтисоди ночор 6 та корхона «Миллий банк», «Агробанк», «Алоқабанк» ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» вилоят филиаллари кўмагида оёққа турди. Ўтган йил мобайнида мазкур корхоналарга банклар томонидан 21,5 миллиард сўмлик инвестиция киритилган эди. Фаолиятини тубдан қайта қуриб, замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган объектлар 8,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди. 370 дан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ХОРАЗМ

Хива туманида Болалар меҳрибонлик шаҳарчаси қурилиши ўтказилган тендерда ғолиблик «Ирдимзон қурилиш» масъулияти чекланган жамиятга насиб қилди. Ушбу шаҳарчани бунёд этиш учун республика бюджетидан 13 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган бўлиб, у 2014 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

МЕҲРИБОНЛИК ШАҲАРЧАСИ

— Ушбу шаҳарча маъмурий методик бино, ёпиқ спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, спорт майдончаси, 18 та уй ва ёрдамчи хўжалик биноларидан таркиб топади, — дейди «Ирдимзон қурилиш» МЧЖ раҳбари Шоназар Рўзметов. — Шаҳарча қурилиши учун 9,8 гектар майдон ажратилган. Барча юмушларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қиламиз.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 23-fevral № 23 (3216)

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил ва кенг кўламли ишлар туфайли бугун қишлоқда ҳам шаҳардаги тиббиёт масканларидан қолишмайдиган замонавий тиббий шароитларга эга, моддий техник базаси мустаҳкам бирламчи шифо масканлари фаолият кўрсатмоқда. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Исковот» қишлоқ врачлик пункти шулардан бири.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

2012 йилда фойдаланишга топширилган мазкур муассаса ҳудуддаги ўн мингга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётир. Қишлоқ аҳли саломатлигини назорат қилиб бориш беш нафар олий тоифали шифокор ва йигирма нафар ҳамшира зиммасида бўлиб, улар томонидан маҳаллаларда, таълим масканларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. ҚВПдаги умумий амалиёт, кундузги шифохона, физиотерапия, лаборатория, аёллар кўриги, эмлаш, муолажа, стерилизация хоналари ҳамда дорихона замон талабларига тўла жавоб беради. Мавжуд замонавий тиббиёт таҳлил-ташхис аппаратлари репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўригини юқори савияда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур муассаса «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти — 2012» республика танловида биринчи ўринни эгаллаган ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланган.

Суратда: «Исковот» қишлоқ врачлик пункти мудири, умумий амалиёт шифокори Маликахон Эралиева.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давра суҳбати иштирокчилари жойларда ёлланма меҳнат билан шуғулланиб келаётган айрим фуқароларга ҳақ тўлаш, меҳнат дафтарчаси ва хавфсиз иш ўринлари кафолати борасида юзага келган чигалликларга алоҳида эътиборни қаратдилар.

Олий Мажлис сенати аъзоси, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев бу муаммони ҳал этишда нафақат давлат ва нодавлат ташкилотлари, балки депутатлар ҳам фаоллик кўрсатиши лозимлигини билдирди.

Зариф Аминов, вилоят солиқ бошқармаси ходими:

— Ёлланма ишчиларнинг аксарияти умумий овқатланиш соҳасига дахлдор. Уларда муайян тартибда одам сони кўрсатилса-да, аслида камроқ одам ишга жалб этилиб, уларни ишга олиш, ишдан бўшатиш масалалари палапартиш ҳал этиб келинмоқда. Тўйхоналарни олайлик. Уларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш корхонаси деган мақомга эга бўлган кунлик тўлов ҳисобига одамларни юмуш билан банд этишган. Ҳеч қандай ҳужжатлар расмийлаштирилмайди. Ўтган йилда қоида бузилишига йўл қўйганлардан 650 млн. сўм жарима ундириб олинди.

Ашраф Аббосов, вилоят савдо-саноат палатаси вакили:

— Айрим қурилиш ташкилотларида ишловчилар меҳнатини ташкил этишда ҳам ана шундай муаммоли ҳолат кўзга ташланади. Юқорида айтилганидек, ишловчилар билан кўп ҳолларда ҳеч қандай ҳужжатлар расмийлаштирилмайди. Оқибатда меҳнат қилаётган қанчадан-қанча одамлар ҳақ-ҳуқуқсиз, ҳимоясиз қолиб кетаверади.

Ҳасан Нормуродов, «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси:

— Жамғармамизга кўп йиллар ана шундай меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, оқибатда ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмай қолганлар мурожаат қилиб туради. Уларнинг аксариятида на етарлича иш стажи, на меҳнат дафтарчаси бор.

Дилшод Бердиқулов, вилоят ҳокимлиги мутахассиси:

— Вилоятимизда жорий йилда 6 мингга яқин талаба олий ўқув юртларини, 64 минг нафарга яқин ёшлар коллежларни битиришади. Уларга сертификат берилиб, меҳнат дафтарчаси юритилиши, айниқса, фермер хўжаликларида ўқув-амалиётини ўтаган ёшлар меҳнат дафтарчаси очишда муаммоларга дуч келмаслиги керак.

Давра суҳбатида ЎзКУФК ижтимоий суғурта бўлими мудири Н.Ишанхонова, Агросаноат мажмуи ходимлари Марказий кенгаши ходими Турсунбой Ниёзов, вилоятдаги бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш фаолиятимизда муҳим ўрин тутади. Шу боис, қўмитамиз томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига асосан бошланғич ташкилотларда қолдирилаётган маблағнинг дастлаб 3 фоизга кўпайиши ишчи-ходимлар саломатлигига ғамхўрлик кўрсатиш имкониятини кенгайтирди. Натижада ўтган йили 21 нафар касаба уюшма аъзосини республика сиҳатгоҳларига йўлланмалар билан таъминлашга эришдик. 15 февралдан эътиборан аъзолик бадалидан тушадиган маблағнинг 70 фоиз қолдирилиши эса, шак-шубҳа йўқки, янги ва янги марраларни кўзлашга туртки беради. Ҳисоб-китоблар жорий йилда ходимларга 45 та йўлланма ажратилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Корхонамизда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар кўлами ҳам кенгаяди. Масалан, ушбу мақсад учун ўтган йили 139,4 млн. сўм сарфланган бўлса, бу йил 172 млн. сўм йўналтирилади.

Яна бир жиҳати, эндиликда республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси билан тўғридан-тўғри ишлаш имкониятига эга бўлдик.

Бир сўз билан айтганда, тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар самарали фаолият юритишимизга ҳар томонлама кўмак беради.

Валерий ФОКЕЕВ, «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

2013 йил — Обод турмуш йили

МУСИҚА ВА САНЪАТ ОҒУШИДА

Арнасойда 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби замонавий бинода фаолият бошлади.

Туман маркази — Ғолиблар шаҳарчасида яна бир замонавий бино қад ростлади. Людмила Тиртишная бошлиқ «Прайз» қурувчилар жамоаси томонидан болалар мусиқа ва санъат мактаби замонавий лойиҳа асосида қуриб берилди. Бунёдкорлар қисқа муддатда лойиҳа-смета қиймати 1 миллиард 869 минг сўмлик капитал-қурилиш ишларини бажариб, икки қаватли муҳташам бинони болажонлар ихтиёрига топширди.

Масканда 167 нафар ўқувчи халқ чолғу-асбоблари, хореография, амалий санъат, фортепьяно, тасвирий санъат каби йўналишларда маҳорат сирларини қунт билан эгаллашмоқда. Шунингдек, мактаб қошида бадиий гимнастика, рубоб, доира, пианино, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик сингари 12 та тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Жамоада 27 нафар малакали ўқитувчи ёшларга сабоқ беради.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Болалик баҳори» вилоят кўрик-танловида арнасойлик Комила Амирбекова ўзининг жозибадор тасвирий санъат асари билан қатнашиб, биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва соврин олиб қайтди. Хореография гуруҳи эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Кўп йиллардан бери «Наврўз» болалар боғчаси биносида ижарада турардик, — дейди мактаб директори Абдураззоқ Мукимов. — Президентимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли бугун мана шундай кошона бизга ўз эшикларини очди. Мактабимиз янги бинода фаолият бошлагач, қатновчилар сони уч бараварга ортди. Бугун 219 миллион 340 минг сўмлик 84 турдаги мебел ва мусиқа, санъат жиҳозларига эгамиз. Феврал ойининг иккинчи декадасида Бухорода ўтказилган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбарларининг республика семинари менда катта таассурот қолдирди. Ҳамкасбларим билан ўзаро тажриба алмашдик. Эндиги вазифа ана шу ўрганганларимни ҳаётга татбиқ этиш.

Мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишар эканмиз, бир жиҳат диққатимизни тортди. Касабақўм раиси Шаҳноза Бекмуродова (у тасвирий санъат бўлимини бошқаради)нинг энг аввало ҳужжатларга эътиборли эканига гувоҳ бўлдик. Барча ҳужжатлар тартиб билан жилдларда сақланмоқда. Ҳамроҳимиз йиғма жилдлардаги ҳужжатларнинг ижросига ҳам эътиборимизни қаратди.

— Бошланғич ташкилот ҳисобида 37 нафар аъзо бор, — дейди Ш.Бекмуродова. — Н.Зоирова, Ш.Амирбекова сингари жонкуярларимиз туфайли касаба уюшма фаолияти янада самарали бўлиб боряпти. Шу билан бирга унинг таъсирчан назоратини таъминлашга интилаяпмиз. Мактабимизга қатнайдиган кам таъминланган оилаларнинг 35 нафар фарзанди бадал тўловидан озод қилинган. Бундай ижтимоий ҳимоя турларини келгусида кенгайтириш мақсадида маъмурият билан музокара олиб борилаяпти. Буларнинг бари келгусида жамоа шартномасида ўз аксини топади.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

Юмуш билан отланган йўловчиларнинг аксарияти манзилга тезроқ етиб олиш учун кўпинча метрони танлайди. Ер ости йўлида яратилган шароит, саранжом-саришталик, ўзига хос архитектура таъсириданми, ўзингизни гўё музейда юргандек сезасиз. Авваллари машинист ёрдамчиси ҳар бир бекат номини овоз кучайтиргич орқали айтган бўлса, ҳозир бу вазифани овоз ёзилган лента амалга оширади. Бу бежиз эмас. Негаки, сўзлар аниқ, тиниқ бўлиши, йўловчига тушунарли етиб бориши даркор. Бекат номини эълон қилишдан ташқари, ёш болали ва ёши катта йўловчиларга жой бериш, буюмларни унутиб қолдирмаслик каби эслатмалар чин маънода маданият тарғиботи ҳисобланади. Шу боисдан бўлса керак, метрода манзилдан адашган одамни учратмаймиз. Назоратчи диспетчерлар доимо ёрдамга шай.

ЕР ОСТИ ҚАСРИДА

Японияннинг Осака шаҳридан ташриф буюрган Якаге Юуко хоним Тошкент метро бекатлари дизайн, безаги бир-биридан тубдан фарқланиши ва такрорланмаслиги, девор ва устунларга ишланган нақшларнинг жозибадорлиги ва гўзаллигини кўриб юқори баҳо берганлиги ҳам бежиз эмас.

«Эшиклар ёпилади, кейинги бекат...»дан то бекатимиз номини эшитгунимизча, беминнат транспортимиз бир неча юз минг киловатт электр-энергияни сарф қилади. Мукаммал тарзда ишлаб чиқилган механизмнинг бизни куттирмай соатдек бехато ишлаши, ҳамиша кўркам ва салобат тўкиб туриши метрополитен бунёдкорларидан тортиб, бугунги кунда унда хизмат қилаётган ҳар бир инсон меҳнати самараси эканини унутмаслигимиз лозим.

Тошкент метрополитени кунига 180 мингга яқин йўловчига хизмат қилади. Сизу-бизнинг манзилга ўз вақтида ва бехавотир етиб олишимиз учун метрополитен хизматчилари ҳозирунозир. Шунингдек, 18 нафар тиббиёт ходими меҳнаткашларнинг саломатликларини назорат қилиб боради.

«Тошкент метрополитени» ДУК 14 та бошланғич цех касаба уюшма қўмитасидан ташкил топган бўлиб, 3200 нафар аъзони бирлаштиради.

— Метрополитен касаба уюшма қўмиталари маъмурият билан тузилган жамоа шартномаси орқали меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келади, — дейди «Тошкент метрополитени» ДУК бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳром Тожиев. — 2012 йил учун тузилган жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши бошланғич касаба уюшмалари ҳамда маъмурият томонидан назорат қилиб борилди. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишчи-ходимларни соғломлаштириш ва дам олишини ташкиллаштириш масалалари доимо назоратда.

Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йили ишчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва коммунал хизматлари бўйича, нафақага чиқиш муносабати билан бериладиган 1 марталик моддий ёрдам, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган нафақахўрларга, 16 ёшгача ногирон фарзандлари бор бўлган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 256 нафар юбилей ёшига етган ходимга эсдалик совғалари топширилди.

Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни кўнгилли дам олдириш меҳнат унумдорлиги кафолатидир. Шунга кўра, ўтган йилда турли дам олиш сиҳатгоҳларига 30 та, оилавий дам олиш уйларига 61 та, даволаш профилакторийсига 73 та йўлланма тақдим этилди. Ходимларга касаба уюшма маблағи ҳисобидан 16 млн. 506 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимлар фарзандлари учун «Автомобилчи», «Транспортчи авлоди», «Қибрай» ва «Янги авлод» каби ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига 241 та йўлланма берилди. Ишчилар фарзандлари учун Янги йил совғалари, 1 синфга борувчи 200 нафар ўғил-қизга мактаб ўқув қуроллари харид қилинди.

Ўтган йили 50 нафар ходим Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб қайтди. Бундан ташқари, 101 нафар ходим «Ҳожикент» дам олиш уйида, 96 нафар ходим «Қумушкон» дам олиш масканида ҳордиқ чиқарди.

Спорт тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, футбол, шахмат, шашка, волейбол мусобақалари, шунингдек, спартакиадалар ўтказиб келинаяпти. Бундан ташқари, метрополитен ходимлари темирйўлчилар ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий сузиш баҳсларининг доимий иштирокчиси. Унда метрополитен ходимлари қаторасига олти маротаба биринчи ўринни қўлга киритишди. Умуман, ўтган йилда ходимларни соғломлаштириш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш мақсадларига метрополетин маъмурияти 68 млн. 920 минг сўм маблағ сарфлади.



Дарвоқе, йил давомида касаба уюшма қўмитасига 4 марта ёзма ва 3 та оғзаки мурожаат тушди. Улар касаба уюшма йиғилишларида ўрганилиб, мавжуд муаммолар ўз ўрнида ҳал этилди.

— Обод турмуш йилида Тошкент метрополитени маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси зиммасидаги масъулият янада ортади. Йил дастуридан келиб чиқиб, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш яхшиланади. Жумладан, кам таъминланган, ногирон, имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларни қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайтирилади, — дейди Б.Тожиев.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

Такомиллашув

ИСЛОҲОТ МЕВАСИ

Ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва кафолатлари акс этганлиги боис улар халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Касаба уюшмалари ўз кафолатлари доирасида инсонларга кўпроқ наф келтириш, уларнинг иш, турмуш шароити, оиласи, фарзандлари саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Жамоат ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, меҳнаткашларга янада яқинроқ бўлиш йўл-йўриқлари изланмоқда. Касаба уюшма тузилмаларини такомиллаштириш, оптималлаштириш сари ташланган муҳим қадам бошланғич касаба уюшма ташкилотларига бўлган эътиборни кучайтириб юборди. Тўғриси, янгиланиш жараёнларигача бошланғичлар ҳисобида қолдирилаётган маблағ жамоат ташкилоти режалаштирган ишларнинг муайян қисмини қопларди, холос.

Ташкилотимиз қамрови кенг. Учта вилоят тармоқ ходимлари бошини қовуштириб келаяпмиз. Уюшма аъзоларининг умумий сони 4807 нафарни ташкил этади. Маъмурият ва ҳудудий бўлинмалар билан келишган ҳолда ходимлар манфаати устуворлигини таъминлашга, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароити яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Энди тузилмамизнинг такомиллашуви боис ташкилотимизга келадиган манфаат ҳақида гапирмоқчиман. Ихтиёримизда қоладиган умумий жамғарилган маблағнинг 70 фоизга кўтарилганлиги ишга муносабатни ўзгартиради, албатта. Хусусан, ходимларга қулай меҳнат шароитини яратиш, соғломлаштириш, турли тадбирлар салмоғини янада оширамиз. Масалан, ўтган йили жамоада меҳнат қилаётган 79 нафар кишини мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларда соғломлаштирган эдик. Ҳисоб-китоблар аҳвол янада яхшиланишидан далолат бериб турибди. Фарзандларни дам олдириш, турли тадбирларни ташкил этишда ҳам бугунги ҳолатдан келиб чиқиб иш кўриш лозим.

Ҳар йили кўкламда Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида меҳнат қилаётган соҳа ходимлари спартакиадасини ўтказишни анъанага айлантирганмиз. Ҳозир ана шу тадбирга қизғин ҳозирлик кўряпмиз. Ўйлайманки, саломатлик тадбиримиз кўлами аввалгиларидан кескин равишда кенгаяди.

Сафарали АЗИЗОВ, «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси

Мутахассис минбари

ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА ИШЛАШ ТАРТИБИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан меҳнат муҳофазаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ўтган йилда бир неча қонун ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳалари тайёрланди. Уларнинг айримлари қабул қилиниб, амалга киритилди. Шу ўринда муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири — Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 18 октябрда қабул қилинган «Ўриндошлик асосида ва бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомнинг 6-бандига асосан ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кираётган шахслар иш берувчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

1. Паспорт ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжат;
2. Меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича маълумотнома.

Ўриндошлик асосида ишлаш учун иш берувчининг, асосий иш жойидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа органнинг розилиги талаб қилинмайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян иш стажига эга шахслар қўйилиши мумкин бўлган ишга ўриндошлик асосида қабул қилишда асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади. Кези келганда, меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага меҳнат дафтарчаларининг нусхаларини олиш тартиби масаласида ўзгартириш киритилиб, Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 21 сентябрда 402-7-сон билан рўйхатдан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Махсус билимларни талаб этадиган ўриндошлик асосида ишга қабул қилишда иш берувчи ходимдан маълумоти ёки касб-ҳунар бўйича тайёргарлиги тўғрисидаги диплом ёхуд бошқа ҳужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан бериладиган маълумотномани қуйидаги шаклда тасдиқлаб, 2013 йил 29 январда Адлия вазирлигида 2417-сон билан давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда, кенг оммага етказиш чорасини кўрмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги буйруғига асосан ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакллари тасдиқланди.

Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома шакли

(ташкилотнинг фирма бланкаси)

ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА БОШҚА ТАШКИЛОТГА ИШГА КИРИШ УЧУН АСОСИЙ ИШ ЖОЙИДАН БЕРИЛАДИГАН МАЪЛУМОТНОМА

фуқаро_____
(Ф.И.О.)
_____
(паспорти тўғрисида маълумотлар)
_____ да
(ташкилот номи)
_____ лавозимида
_____ дан бугунги кунга қадар меҳнат фаолиятини олиб бораётгани маълум қилинади.

Ушбу маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 485-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга киришда тақдим этиш учун берилди.

ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ _____ _____
(Имзо) (Ф.И.О.)

Ўриндошлик асосида, бир неча касб ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 7-бандида ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Демак, ўриндошлик асосида ишлашга тузиладиган меҳнат шартномасида иш вақти асосий иш жойидаги кунлик иш вақти 8 соат белгиланган бўлса, 4 соатдан ортиқ бўлмаган, асосий иш жойида кунлик иш вақти 7 соат белгиланган бўлса, 3,5 соатдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади. Ходим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда у ўриндошлик асосида тўлиқ иш кунида ишлаши мумкин.

Агар ташкилотда ўриндошлар учун иш вақти давомийлигининг ҳар кунги ярим нормасига риоя этилиши мумкин бўлмаган тақдирда иш вақтини жамлаб ҳисоблаб юритишга йўл қўйилади. Иш вақти жамлаб ҳисоблаб юритилганда, ўриндошлик асосида иш вақтининг умумий давомийлиги ҳисобга олинадиган давр учун ўриндошлик асосидаги лавозим бўйича иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунда ҳисобга олинадиган давр бир ойдан ортиқ бўлмаслиги, кунлик ишнинг давомийлиги эса ўн икки соатдан ортиқ бўлмаслиги талаб этилади.

Юқоридаги Низомнинг 8-бандига кўра, ходим билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузиладиган меҳнат шартномасида Меҳнат кодексида белгиланган талаблар билан биргаликда иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади. Ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ меҳнат шартномасига мувофиқ равишда расмийлаштирилади.

Ходимнинг ёзма аризасига кўра, ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган маълумотнома асосида иш берувчи томонидан ходимнинг асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасига иш даври кўрсатилган ҳолда ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзув киритилади. Ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакли Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, 2013 йил 29 январда Адлия вазирлигида 2417-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, унга асосан маълумотнома қуйидаги шаклда бўлиши шарт.

Ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакли

(ташкилотнинг фирма бланкаси)

ЎРИНДОШЛИК АСОСИДАГИ ИШ ЖОЙИДАН БЕРИЛАДИГАН МАЪЛУМОТНОМА

фуқаро_____
(Ф.И.О.)
_____
(паспорти тўғрисида маълумотлар)
_____ да
(ташкилот номи)
_____ лавозимида
_____ дан _____ гача ўриндошлик асосида меҳнат фаолиятини олиб боргани маълум қилинади.

Ушбу маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 485-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ходимнинг асосий иш жойида сақланаётган меҳнат дафтарчасига иш даври кўрсатилган ҳолда ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзув киритиш учун берилди.

ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ _____ _____
(Имзо) (Ф.И.О.)

Ушбу маълумотнома асосий иш жойида сақланади.

Агар ходимнинг илтимосига кўра унинг меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги маълумотлар киритилган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг нусхасига мувофиқ асосий иш жойида меҳнат дафтарчасига бу ҳақда ёзув киритилади. Меҳнат шартномаси бекор қилинишининг асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 18 октябрда қабул қилинган «Ўриндошлик асосида ва бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 297-сонли қарорнинг 2-банди ва Низомнинг 28-бандларига асосан ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартибига риоя этилиши учун масъулият ўриндошлар ишлайдиган ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юкланган. Мазкур қоидаларни бузган ҳолларда айбдор мансабдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Шу сабабли амалдаги қонун ҳужжатларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш талаб қилинади.

Д.МАТРАСУЛОВ,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи, юридик фанлари номзоди

Маънавият сабоқлари

Аёл сирли ва гўзал хилқатдир. Унга бағишлаб беҳисоб санъат асарлари яратилган, қўшиқлар куйланган. Аёлнинг буюк волидалик шарофатидан жаннат ҳам «оналар оёғи остидадир», дея лутф қилинган. Баъзилар аёл кўнглига йўл топиш қийин, дейишади. Мен бундай ўйламайман. Ахир оналарнинг кўнгли нақадар кечиримли, ёмонликларни ўчиримли-ку! Бошқача бўлганда онаизор ношуд фарзандининг қилмишларидан безсада, уни соғиниб, дилбандига талпиниб турармиди? Чунки, у онадир! Бекалар турмуш ўртоғи ишдан кечикса, энг аввало унга Аллоҳдан соғлиқ сўрайди. Ака-укасини бир-икки кун кўрмаса, уларнинг висолига чоғланади. Ана шу эзгу хаёлларнинг ўзи ҳар қандай ҳолатда сизни тушунишга, сизни оқлашга, поклашга уриниши, кечиришга мойиллигидан далолат эмасми?..

АЁЛ УЧУН ЭНГ МУҲИМИ, БУ...

* * *

Телевизорда бир мамлакатнинг юз ёшли қироличасини кўрдим. У чиройли кийиниб, пардозланиб одамларга таъзим қилар, қутловларга жавобан ҳатто рақсга ҳам тушиб берарди!..

Телебошловчи қиролича Биринчи жаҳон урушини ҳам, Иккинчи жаҳон урушини ҳам, вайрон бўлган шаҳарлар тикланиши, боғлар барпо этилишини ҳам кўрганини ҳикоя қилар эди. Беихтиёр қайнэгачим — Кимё бувим кўз олдимга келди. Тўқсон ёшга кирган Кимё буви ҳам ўша қиролича каби чиройли кийинишга ҳавасманд аёл. Агар айтишса, нариги маҳалладаги тўйдан ҳам, бериги қишлоқдаги йиғиндан ҳам қолмайди. Ҳамиша давра тўрида, яхшилик, янгиликлар тарафдори. Унинг ҳам бошидан ўша қиролича каби кўп савдолар ўтган. Уч фарзанди бир ой ичида қизамиқдан қазо қилган. Болаларининг азасини тугатмай (фарзанд доғи адо бўлмас доғ ўзи!) икки акаси ва поччаларидан қора хат келган. Йиғлаб-йиғлашни унутган, кулиб-кулишни уддалай олмаган кунларда кексалар сўзига кириб, жамоа хўжалигига ишга чиқиб кетган. Ипак қурти боққан, сигир соққан, ер чопган, нон ёпган... Аламини меҳнатдан олиб юрган кезларида бедарак йўқ бўлиб кетган турмуш ўртоғи қайтиб келган. Қайнотам раҳматли Қодир ота ёшлигида Кимё бувимизни қанчалар яхши кўриб, унинг ортидан ойлаб, ҳафталаб бедор юрганини айтардилар. Қимматчилик пайтларда Кимёхонларнинг эшигига яқинлашганида Қодир отамиз янги этигини кийиб олар, уйдан узоқлашгач, яна уни авайлаб-асраб халтасига солар экан...

Борининг умрини берсин, деб ўтганларига Аллоҳдан раҳмат сўраб яна ҳаёт учун, яхши орзу билан умргузаронлик қилган оила кўп ўтмай кемтиклашди. Қодир ота оламдан ўтди. Назаримда турмуш ўртоғининг совуқ тани қошида совиб тургандек эди, Кимё хола! Кўзида ёш кўрмадим. Ўшанда «Аллоҳ — бергувчи, Аллоҳ — олгувчи», деб шивирлаган Кимё буви ҳақ экан! Дод-фарёд қилса қайтиб келармиди, кетганлари?!.

Кимё буви бугунги ғамимни эртага қўяй, бугун эса эртанги яхши кунимдан сўйлай, деб жуда тўғри қилибди ва шу кунларга етиб келибди!..

* * *

Тиш доктори қабулида ўтирсам, ота уйимдаги маҳалладошим Муҳаббат келинойини кўриб қолдим. Аммо у мени кўриб кўрмаганга олгандек туюлди. Барибир, соғинч билан ҳузурига пешвоз чиқдим.

— Рост, таниш кўриндингиз. Аммо кўзим ўзимдан икки метр узоқдагиларни ҳам ажрата олмайди. Йиғлай- йиғлай кўриш қувватимни йўқотдим...

— Кўп ёш тўкиш — кўз нурини қияркан. Мен ҳам кейинги кунларда шунга амин бўлаяпман.

— Сиз, синглим, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Менинг «сахир»им ошган, танамда қандайдир ўсма ҳам бор эмиш...

Беихтиёр сергак тортдим, турмуш ўртоғи дарахтдан йиқилиб ўлгач, маҳалламиздаги қизларга гўзаллик, сариштa-ю фаришталик тимсоли бўлиб юрадиган Муҳаббат келинойимиз чиндан ҳам ўзини олдириб қўйганди. Ўлганнинг кетидан ўлиш керакмикан? Кетганнинг кетидан кетаманга тушиб жон жаҳди билан куйиниш шартми?!.

Тиш доктори ҳузурида ўтириб юрагим така-пука эди. Жон бунча ширин бўлмаса-я! Доктор олдида ҳамма тиши оғриганлар мен каби ноиложликдан ўтирса керак! Худди шу дамда, қани, мени куйдириб, мени суйдириб ташлаб кетганларим, дардимни бироз бўлишиб юборса! Йўқ, онам айтганларидек, қассоб эчкини ҳам, қўйни ҳам ўз оёғидан осади! Мен қиролича каби мустақил юртимнинг мустаҳкам қўрғонларида узоқ яшашни истайман!

Кимё бувимиз каби невара, чевара ва ...бегоналарнинг тўйида ўтиришни, уларнинг қизларини узатиб бориб, керак бўлса учинчи, тўртинчи қаватларга ўша буви каби ҳассасиз чиқиб, онаси ёйган молларни томоша қилишни хоҳлайман! Аммо ёшим ўтган сари қадрдонларимнинг ҳам ёши улғайиб бораяпти-ку!

Наҳот бугун инсулт деган дардга мубтало бўлиб (Аллоҳ қайтариб берганига шукр!) ўнг оёқ ва ўнг қўли жонсиз бўлиб қолган отам ҳақида хунук хабар эшитсам?! Чап кўзим учаяпти, сафарга кетган укам эсон-омон келсин-да... Эшикни очинг, бемаҳалда йўқлаб келган ким бўлди? Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да!... Ҳар бир аёл ана шундай бесаранжомлик ва меҳр қуршовида яшайди. Нафақат фарзандлари, балки яқинларининг омонлигини ўйлайди-ю, ўзининг соғлигига эътибор қаратмайди.

Хаёлимни кемирар бундай саволу ўзимга берар дашномлар билан узоқ яшармиканман?..

Келинг, ҳозирча мустақилмисиз, ўз оёғингиз билан юриб, ўз кўзингиз билан кўриб, ош-овқатингизни ўзингиз еб, бошқаларга тил билан, дил билан яхшилигу янгилик улашиб яшаяпсизми, шу дамлар учун шукр қилинг.

Ўзимга берар дашномларим, кейин ейдиган пушаймонларим ҳақида бир кун бафуржа гапириб берарман.

Оналик

Қайда бўлмайлик, қаерда юрмайлик, онамиз бизни кузатиб туради. Дастурхонда ўрнимиз бўш бўлса, албатта товоқда ошимиз ортади. Бунга сабаб, онажонимизнинг меҳри, ҳамиша фарзандига банду бандлиги, фикру хаёли биз билан андармонлигида!..

Ёшлигим аксарият раҳбарлар русча гаплашадиган, ўзбеклар ўз сўзини англатишга қийналадиган даврда кечганидан, бугунги турмушидан нолиётган айрим аёлларга, бизда маош ҳам, яшаш ҳам, кийиниш ҳам ҳаммаси жойида, деб қайтқайта айтгим келади. Ҳаракат бўлса бас!

Мамлакатимизнинг кундан-кун гуллаб-яшнаб боришида боласини дид-фаросатли қилиб тарбиялаётган оналар, она сўзини қулоққа олаётган болалар сабабдир, дегим келади. Одамларга меҳр-мурувватни, оқибатни кўпроқ улашайлик, ота-боболаримиз удумини тутайлик.

(Давоми 4-саҳифада).

ҲУНАР — ҲУНАРДАН УНАР

Сурхондарёлик Азиза Холмуродова ўз ҳунарини яхши даромад манбаига айлантириб, рўзғорига қут-барака, оиласига фаровонлик олиб кираётган ишбилармон аёллардан.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаётган А.Холмуродова 2012 йилда сартарошлик малакасига таяниб ўзи истиқомат қилаётган Денов тумани «Лолазор» маҳалласида аёллар гўзаллик салони очди.

Суратда: Азиза Холмуродова мижозга хизмат кўрсатмоқда.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Матбуот анжумани

ОШКОРАЛИК — БИРИНЧИ ШАРТ

Миллий матбуот марказида Президентимизнинг 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонидан кўзланган мақсад ва вазифалар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Уни Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Сайфиддин Гафаров бошқарди.

Маълумки, турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар ўртасидаги рақобат ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички тизимини янада такомиллаштириш, маҳсулот сифатини юксалтириш ҳамда таннархини пасайтиришга ундайди. Зеро, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкчилик роли, аҳамиятини ошириш, монополияга қарши самарали тартиботларни юритиш, ҳақиқий рақобат муҳитини юзага келтириш ва шу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, корхоналарнинг, умумий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, тегишли чора-тадбирларни амалга оширувчи давлат институтларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу талаб ва заруратдан келиб чиқиб, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилган.

Қўмита олдида турган асосий вазифалардан бири, бу хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активлар ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш, давлат мулкининг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиқлик ва ошкоралик тамойилларидан келиб чиқиб, давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шакл ҳамда усулларини жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» муҳбири

Реклама ва эълонлар

Бухоро вилояти «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти «Очиқ танлов» савдоларига таклиф этади.

1. Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2012 йил 18 февралдаги 168-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Бухоро шаҳар, Навоий кўчаси ёқасидан ёшлар маркази қуриш учун 154 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда: Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати —108 736 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар «Ипотека банк» Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб-рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)дан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 26 март куни соат 11:00да очилади. 2013 йил 26 март куни соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 26 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 2, 9, 16 апрел кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат 11:00да очилади ва шу куни соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этишлари шарт:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 8 (365) 223-69-62.

Лицензия RR-0048

Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 23-fevral № 23 (3216)

Маърифат фидойилари

ЧЎҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан,
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан...

Эшик очилиб, ўқитувчи баралла шеър ўқиганча синфга кириб келади.

— Қани, болалар, қолганини ким давом эттиради, — деб сўрайди. Ҳамма ўқувчи баравар қўл кўтаради. Муаллима жилмаяди.

— Сиз айтақолинг, ўғлим, — дея ўртароқдаги болага юзланади. У ўрнидан туради:

... Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!

Шеърни шошилмасдан-тутилмасдан, равон ўқийди. «Баракалла, сиз ҳам илм чўққисини забт этиб, олим бўлинг», деган рағбатдан шодланади.

Устоз жойига етиб борганда ҳамма баравар ўрнидан туриб, салом беради. Навбатчи синфда барча ўқувчи борлигини айтади. Ўқитувчи журналга қараб олади-да, уйга қайси мавзу вазифа қилиб берилганини сўрайди. Жавобни олгач, етти-саккиз болани доска қаршисига чиқаради. Мавзу устида қизғин суҳбат кетади. Бири иккинчисининг фикрини давом эттиради. Агар кимда-ким дарс тайёрламай келган бўлса, билиниб қолади.

Шундан сўнг бошқа ўқувчилар чақирилади. Улар уйга берилган топшириқларни ёддан айтишади.

Ўқувчиларнинг дарсга яхши тайёргарлик кўргани маълум бўлади. Ўқитувчи янги мавзуга ўтади. Бу такрорлаш дарси бўлади. Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинганча савол-жавобга киришади...

Дарсда фаол қатнашганлар алоҳида рағбатлантирилади. Бирига қизиқарли китоб совға қилинса, бирининг ота-онасига ташаккурнома ёзилади. Баҳолаш тугаб, уйга вазифа берилади...

Бу Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 261-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси Манзура Иноғомованинг дарс ўтиш усулларидан бири.

— Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаб, 134-мактабда 25 йил ишладим. Етти йилдан буён эса бу даргоҳда ўқувчиларга сабоқ бериб келаман. Янги педтехнологиялардан фойдаланиб, ҳар бир дарсни турлича ташкил этмасангиз, болаларни зериктириб қўясиз, — дейди Манзура Иноғомова. — Ҳозирда 5-6-синф ўқувчиларига дарс бераяпман. Уларнинг ёшига қараб, дарсда турли усуллардан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Мавзу доирасида қизиқарли ўйинларни уюштираман. Уч-тўртта бўлиб матн яратишини айтаман. Бу уларнинг фикрлаш қобилияти ўсишида муҳим саналади.

Суҳбат давомида опанинг ташкилотчилиги, «Драма» тўгараги раҳбари, адабий кечаларга бош-қош эканлигини билиб олдик. Яқинда муаллима бошчилигида «Навоийхонлик», «Бобурхонлик» тадбирлари юксак савияда ўтказилибди. Яна бир муҳим жиҳати, опа ҳар чоракда аъло баҳога ўқиган, дарсларда фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантириб, совғалар беришни ташкил этибди. Жараён қизиқарли ўтиши учун болалар турли мавзуларда матн, буклетлар, кўргазмали қуроллар тайёрлаб келишар экан. Улар ҳам сараланар, баҳоланар, умуман, ўқувчиларда фанга бўлган қизиқиш янада ошиб, дарс бошланишини интиқ кутишаркан.

— Касбим — ҳаётим. Умрим шу болалар ичида ўтаяпти, — дейди фахр билан опа. — Бундан жуда хурсандман. Уларнинг устоз-устоз, дея атрофимда гирдикапалак бўлиши, олий ўқув юртига кирган шогирдларимнинг келиб раҳмат айтиши кўнглимни қувончга тўлдиради.

Ёш авлод камоли йўлида мардонавор қадам ташлаб, чўққиларни забт этиб келаётган ўз касби фидойиси, жонкуяр муаллимага биз ҳам омад тилаймиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Аҳмад ТЎРА олган сурат

АЁЛ УЧУН ЭНГ МУҲИМИ, БУ...

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада).

Текис йўллар, миришкор халқим эккан йўл бўйларидаги гулу гулзорлар... Кеч кузда болажонлар йиққан гул уруғлари сабаб, баҳорда уй олди, кўча четларига ким чиройли гул ўстириш мусобақаси ўтказилишини айтмайсизми? Борига барака деб, керак бўлса йўқни йўндириб, ижод ва ҳунар билан яшайдиган халқмиз.

Фарзандларини ҳам билим олишга, ҳам ҳунар ўрганишга чоғлантираётган ёш оилаларни шу туфайли қутлагим келади. Ҳатто бозорларни аввал ясатиб, яшнатиб, кейин жонлантиришга киришдик. Тадбиркорлар шарофати ила, бу борада ҳам кўз қувнайдиган ҳолатлар намоён бўлди. Айрим қўшни республикалардагидек қишда зах, ёзда жазирама жойларда савдолашмаймиз энди.

Болажонлар билан кўп суҳбатлашаман. Улар ҳатто аскияни ҳам тушунади. Юзлаб шеър ёд олган, турли тилдаги китобларни ўқийдиган болалар мени саволларга кўмиб ташлашади. Оқибатда уларнинг ҳузурига табиат ва жамият сабоқларидан қуролланиб боришга тўғри келади. Истиқлол сабаб, хоҳ спорт, хоҳ билим ва ижодда, кўпчилиги аллақачон катта ўзанларга чиқиб олган. Шундай билағонларни ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатиш керак.

* * *

Оналар учун энг азиз ва қадрли совға, «Сизни яхши кўраман, доим ёнимда бўлинг», демоқликдир. Бундай сўзлар шунчаки айтилмайди, балки кўзлардан, юракдан уқиб олинади. Мен байрамларни унчалик орзиқиб кутмайман, балки ҳар бир куним байрамдир. Сабаби, ҳаётман, сизни кўриб турибман, орзу ва мақсадларимни амалга ошириш учун у ён, бу ён юрибман. Янги ва яхши хаёллар сураяпман. Асосийси хотиржамман.

* * *

Катта ўғлимни биринчи марта болалар оромгоҳига жўнатдик. Тоққа кетаётгани учун уч-тўрт сўм бериб, сузма, қурут олиб ейсан, дедим. Бу воқеа эсимдан ҳам чиқиб кетибди. Ўғлим эса берган пулимга тоғдаги дўкончадан менга гулдор рўмол сотиб олибди, учида эса уч-тўртта қурут тугилган эди...

* * *

Ўзбек аёли деганда, энг аввало, кўз олдимда андишали ва саранжом-сариштали фаришта хилқат намоён бўлади. У феъли оғирроқ эрининг зўғумларини ичига ютади, оила сирини кўчага олиб чиқмай ўтади. Оиладаги тинчлик, тотувликни устун қўяди. Ёрининг ёмонлигини яшириб, яхшилигини ошириб яшайди, ахир болаларининг отаси, у!

Гоҳида аёл хонандаларимизнинг «Сен бўлмасанг бошқаси», деб оламга жар солиб, овозининг борича қўшиқлар айтишидан ҳайратга тушаман. Ё тавба, биз кимларнинг авлодимиз? Қадр қилсанг, қадрланасан. Боласини-да сизлаб гапирган оталари, ўз аёлига «бегойим», «пошшахон», «маликам» деб мурожаат қилган вафоли, мард ва қатъиятли эркакларимиз бор.

Балки ана шундай сўзларни эшитмаётганлигидан, гўзал маънодаги «ожиза», «заифа»лигини унутган айрим опа-сингилларимиз ана шунақа ҳиссиз, дидсиз, мунису мушфиқлик мақомидан кечиб бораётгандир?

Аёл қадрланар элда
Файз-барака мужассам.
Тотувлик устувор дилда,
Меҳр яшар мунтазам.

Аёл шундай хилқат эрур,
Эзгуликдир тилаги.
Жонига жон нисор этур,
Боласида юраги.
Аёлга иньом этсангиз,
Бойлик, шодлик, шуҳратни.
У аввало танлар шаксиз
Тинчлик деган давлатни!..

Ҳаётнинг кун-тун, оқ-қора жилвалари намоён экан, аёл яратишдан, яшнатишдан толмагай.

***

Она ҳақида гапирганда ҳамманинг кўз олдида ўз онаси туради. Менинг онам ҳам зиёли, лекин болалари тарбияси йўлида уй бекаси бўлиб умр ўтказаётган аёл. Улар 8 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб турли даврлар, ҳар хил одамлар орасидан ОДАМ қилиб олиб чиққан. Отам «Ўзим ўқимадим, фарзандларимни олий маълумотли қиламан», деганида биргаликда елкадош бўлган онам.

Бола бўлдим бир умр,
Паноҳида онамнинг.
Аллоҳ, борига шукур,
Онамнинг — парвонамнинг!

***

«Кимнинг фарзандисан?» деб сўрашса, таниш бир болакай «Дадамнинг», деди мағрур.

— Даданг яхшими, ойингми, деб сўрашса, яна «Дадам», деди. Мен бу боланинг отаси ҳафта оралаб келиб туришини, бошқа оиласи, фарзандлари борлигини билардим. Меҳрга зор бола «Дадам», дейди-да!..

Ота оталик қилишни уддаласин! Бузилганни тузатсин. Тўғри йўл кўрсатишни билсин, бир сўзли, қатиъятли бўлсин! Шунинг учун ҳам ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин бўлса керак. Шунда аёллар ҳаётида файз, фарзандлар юрагида ишонч бўлади.

Умида АБДУАЗИМОВА,
шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Муносабат

Яқинда телевизорда намойиш этилган «Беҳаёлик байрами» номли кўрсатувдан жуда таъсирландим. Бу ўйлаб юрган гапларимни қоғозга туширишга ундади.

ЎЙЛАБ ТАШЛАНСА ҚАДАМ

Кўрсатув орқали 14-феврал санасининг қандай қилиб «Севишганлар куни»га айланиб қолгани, унинг тарихи рўй-рост очиб ташланди. Бу орқали ёшларимиз онгини заҳарлаётган «Оммавий маданият»нинг кўзга ташланмасдан кириб келаётган бир кўринишини юртдошларимиз яхши англаб етди, деб ўйлайман.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кунларнинг маълум касбга, тушунчаларга, байрамларга мослаб аталиши ҳаммамизга маълум. Ўзим ҳам бу номланишларга қизиқаман ва ўрганиб бораман. 14 феврал санасига келганда эса...

Шу куни буюк шоир, саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган. У ёзган «Бобурнома»нинг ўзиёқ биз ёшлар учун катта ҳаёт мактаби. У орқали юртимиз тарихи, маънавиятимиз, миллийлигимиз, бир сўз билан айтганда, кимларнинг авлоди эканлигимизни билиб, Бобурдек маърифатли, жасур аждодимиз билан чексиз фахрланамиз.

Мана шундай улуғ кунни баъзи тенгқурларим қандай нишонлаётганини кўриб, беихтиёр ачиниб кетаман. Гўёки бу кун «севги куни» эмиш. Бу бизнинг менталитетимизга мутлақо ётлигини ўйлашмайди ҳам.

Яна бир оғриқли жиҳат. Бу сана арафасида дўконларда юрак шаклидаги табрикномалар, сувинерлар кўпайиб, биз ёшларни ҳам севги «кашф»ларига ундаб қўймаяптимикан?! Наҳотки, нафс дегани шунчалар манқурт тушунча бўлса?!

Дониёр МАМАТҚУЛОВ,
Мирзаобод қурилиш ва уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежи ўқувчиси

Эътироф

ДИЛ КАЛИТИ

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдик. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда ёшларга илм олиши учун барча шароит бор. Бунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитиш тизими комплекси яратилганлиги қўл келиши, шубҳасиз.

Ўсиб-улғайиб келаётган авлод юрт иқболи, унинг келажаги саналади. Истиқболни ўйлаб қабул қилинган қарор барчага манзур бўлди. Эндиликда таълим даргоҳларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларда чоп этиш кўзда тутилган.

Тил — дилга калитдир. Ёшларимиз қанча кўп тилни билишса, дунёни таниш шунчалик осонлашади. Янгиликлардан бохабар бўлишади.

Хусусан, коллежимизда ҳам чет тилларни ўқитиш, ёшларнинг бу машғулотлардаги фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Компютер, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозларимиз етарли. Машғулотлар интерфаол усулида ташкил этилмоқда. Таълимнинг бу жараёни ўғил-қизларнинг чет тилларни ўрганишида ҳам қўл келмоқда. Мингдан ортиқ ўқувчимизнинг барчасида тил билишга қизиқиш бор.

Қарордан сўнг хориж тилларини чуқурроқ ўқитиш режаси ишлаб чиқилди. Бу борадаги ишлар янада ривожлантирилмоқда.

Акрам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Самарқанд туманидаги Агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Реклама ва эълонлар

«GOLDEN BUILD TRADING» МЧЖ томонидан ташкил қилинган 2013 йил 21 январда бўлиб ўтган танлов савдоси натижалари

Т/р	Объектнинг номи ва майдони	Жойлашган жойи	Минимал баҳоси (сўмда)	Сотилиш баҳоси (сўмда)
1.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун 200,0 кв.метр бўлган ер майдони	Бухоро вилояти, Пешку тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али ибн Сино шоҳ кўчаси ҳудудида	87920,0	220 000,0
2.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун 480,0 кв.метр бўлган ер майдони	Бухоро вилояти, Пешку тумани Зандани ҚФЙ, «Бобоҳожи» қишлоғи ҳудудида	180019,2	250 000,0
3.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун 120,0 кв.метр бўлган 1-сонли ер майдони	Бухоро вилояти, Пешку тумани Чибоғони ҚФЙ, «Қучоқ» қишлоғи ҳудудида	45004,8	200 000,0
4.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун 100,0 кв.метр бўлган 2-сонли ер майдони	Бухоро вилояти, Пешку тумани Чибоғони ҚФЙ, «Қучоқ» қишлоғи ҳудудида	37504,0	300 000,0
5.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун 100,0 кв.метр бўлган 3-сонли ер майдони	Бухоро вилояти, Пешку тумани Чибоғони ҚФЙ, «Қучоқ» қишлоғи ҳудудида	37504,0	550 000,0

Хизматлар лицензияланган

Реклама ва эълонлар

Вниманию организаций и предприятий!
ИК по КС Хокимията Навоийской области.
ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объекты:

Лот №13-3. «Водоснабжение села Кизилработ ССГ Туркистон Навбахорского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **6 месяцев.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 112 632 042 сум, с НДС 135 158 450 сум.**

Лот №13-4. «Водоснабжение села Янгиобод ССГ Кухна Кургон Карманинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **8 месяцев.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 398 142 523 сум, с НДС 477 771 028 сум.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование осуществляется **за счет средств государственного бюджета.**

(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А,
тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензировано

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тойлоқ туман кенгаши раиси Баҳодир Мусиновга отаси **СУЛТОН Ҳожи ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 19. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 211 | 21501 nusxada bosildi | 2345